

А Ж Р И М

(жиноят ишени ярашув асосида тугатиш ҳақида)

2024 йил 12 август куни жиноят ишлари бўйича Учтепа туман суди, суд биносида, очик суд мажлисида, судья Х.Содиқовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Х.Чориевнинг котиблигида, тарафлардан Учтепа туман прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Акрамов, адвокат К.Абдурахманова, гумонланувчи Г.Ташмуродов, жабрланувчи Э.Шукуров иштирокида Ташмуродов Гулмурод Хусановичга оид 1-1007-2406/507-сонли иш кўриб чиқилди.

Иш хужжатларига кўра:

Ташмуродов Гулмурод Хусанович
(Tashmurodov Gulmurod Xusanovich) 28.09.1993
йилда Сурхондарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилалик, муқаддам судланмаган, Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Хайрбод ҚФЙ, Пахтакураш МФЙ рақамсиз уйда истиқомат қилувчи

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир қилганликда гумон қилинувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилинган.

Суд, гумон қилинувчи ва жабрланувчининг кўрсатмаларини эшитиб, уларнинг ярашув ҳақидаги аризаларини муҳокама қилиб, тарафларнинг фикрини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишени томонларнинг ярашганлиги муносабати билан судга юбориш тўғрисидаги қарорга кўра 2024 йил 24 июнь куни соат 15:30 ларда, Э.Шукуров ўзганинг мулкени яширин равишда талон-тарож қилиш мақсадида Учтепа тумани, ТХАЙ кўчасида жойлашган профнастел сеҳининг олдида бўла туриб, шу ерда бўлган, қаровсиз қолдириб кетилган 20.01.1998 йилда туғилган Мўминова Маҳлиё Бозоркул қизига тегишли бўлган “Андижон музқаймоқ” аравачаси ичида бўлган музқаймоқларига унинг рақобатчиси бўлганлиги учун, ушуб музқаймоқларига қасдан қум сепиб, савдо орқали йиғилган 350.000 сўм миқдоридаги пулларни яширин равишда талон-тарож қилиб, ҳодиса жойидан яширинган.

Мазкур ҳолат юзасидан Э.Шукуровга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзғатилган.

Шундан сўнг Г.Ташмуродов, Д.Файзуллаев ва У.Холматов М.Мўминова унинг музқаймоғига қум аралаштириб қўйилганлиги ва пуллари ўғирланганлигини улардан гумон қилишганидан сўнг, кузатув камераларидан ушбу қилмишни Э.Шукуров содир этганлигини билишиб, шу ердан узоқда бўлмаган Г.Ташмуродов, Д.Файзуллаев ва У.Холматовлар қўлга олишиб, уни дўппослаб цехнинг ичига М.Мўминованинг олдига олиб боришган.

Суд тиббиёт экспертизасининг 2024 йил 26 июнь кунидаги № 4329-Хуж-Кур-сонли экспуртиза хулосасига кўра, Э.Шукуровда “пастки даб тешиб ўтувчи эзилиб-йиртилган яраси, юқори лаб ўнг томон шиллик каватийиртирилган яраси, қорин олд девори шилинмалари” тан жарохатлари



аниқланиб, оғирлик даражасига кўра, соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган Енгил тан жарохати эканлиги ҳақида баён қилинган.

Мазкур ҳолат юзасидан Г.Ташмуродов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан гумон қилинувчи тариқасида жалб қилинган.

Судда гумонланувчи Г.Ташмуродов, у айбига тўлиқ иқрорлиги ва чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб, у билан ўзаро ярашганлигини билдириб, ўзига оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Судда жабрланувчи Э.Шукуров, у гумонланувчи Г.Ташмуродов унга етказилган моддий зарар ва маънавий зарарни тўлиқ қоплагани, унга нисбатан даъвоси йўқлиги, гумонланувчи билан ўзаро ярашгани, ярашув ихтиёрий бўлиб, ҳеч ким тазйиқ ўтказмагани, суд ярашувни тасдиқлаган тақдирда, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунарли эканини билдириб, Г.Ташмуродовга оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси тўртинчи қисмида, жабрланувчи Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, гумонланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Шунга кўра суд, гумонланувчи Г.Ташмуродовга оид жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонларнинг ярашуви муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига кўра унинг айблилик масаласи ҳал қилинмасдан ҳаракатдан тугатишни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 582-583, 585-586-моддаларига қўлланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан гумонланган **Ташмуродов Гулмурод Хусанович** (Tashmurodov Gulmurod Xusanovich)га оид жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонларнинг ярашуви муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига кўра унинг айблилик масаласи ҳал қилинмасдан ҳаракатдан тугатилсин.

Иш бўйича етказилган зарар қопланганлиги инобатга олинсин.

Ажримдан норози томонлар 10 (ўн) сутка ичида хусусий тартибда шикоят ва протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

Х.Содиқов

